



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: “НАМАНГАНГА ОДАМЛАРНИНГ ЭРТАНГИ КУНИНИ ЯХШИ ҚИЛИШ УЧУН КАТТА ЗАМИН, КАТТА МАБЛАҒЛАР БИЛАН КЕЛДИК”



Президент Шавкат Мирзиёев sanoat korxonalari, qishloq xўjaligi loyiخالari, bunёдkorlik ishlari bilan yaқindan taniшиш, maҳallalardagi sharoitni ўrganiш maқsadiда 18 февраль куни Наманган viloyatiga келди.

Ташриф дастурига мувофиқ ilk манзил Янгикўрғон тумани бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили июнь ойида viloyatда бўлганида Косонсой, Чортоқ, Янгикўрғон туманларини боғдорчиликка ихтисослаштириш яхши самара беришини айтган эди. Жорий йил 11 январда эса “Наманган viloyatининг Косонсой, Чортоқ ва Янгикўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент қарори қабул қилинди.

Шунга мувофиқ, ушбу тоғли туманларда замонавий боғ ва тоқзорлар ташкил этилмоқда.

Улардан бири — Янгикўрғондаги “Sura General Investments” масъулияти чекланган жамиятининг боғи. Илгари суғорилмаганлиги сабабли шу пайтгача унумли фойдаланилмай келинган бу ерда Бирлашган Араб Амирликларининг 3 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияси ҳисобига 103 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилди.

Авалло, 250 метр чуқурликдан сув чиқарилди. Ҳовуз қазилиб, томчилатиб суғориш тизими ўрнатилди. Ўтган йили Италиядан кўчат олиб келиниб, 48 гектарга гилос, 26 гектарга ўрик, 22 гектарга шафтоли, 7 гектарга олхўри экилди.

Президентимиз боғнинг иқтисодий самарадорлиги билан қизиқди. Бу ерда мева ҳосилдорлиги оддий усулдагига нисбатан 3 марта юқори. Навлари ҳам бозорбоп. Томчилатиб суғориш тизими натижасида ҳар гектар ерда сувни 2 баробар кўпроқ иқтисод қилиш мумкин.

Дарахтлар келгуси йили ҳосилга киради. Боғнинг йиллик қуввати 5 минг тонна бўлади. 4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Корхона яна минг гектарда боғ яратишни мақсад қилган.

Боғда 40 киши иш билан таъминланган. Қатор ораларида сабзавот етиштириш учун ишсиз ёшларга ер бўлиб берилган.

Давлатимиз раҳбари шундай ёшлар билан суҳбатлашди.

— Сизларнинг ишли бўлганларингиз, кайфиятларингиз қўриб хурсандман. Йўларингизни топиб, иш билан бўлиб, бирингизни икки қилиб, фарзандлар қамалини қўриб яшасаларингиз — менинг энг катта мақсадим шу. Бунинг учун шу билан чегараланмай, кўпроқ билим олишингиз, янги марраларга интилишингиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Илгари наманганлик 160 минг киши хорижга иш излаб кетгани, бугун яратилаётган имкониятлар натижасида уларнинг 100 минг нафари юртимизга қайтиб келгани таъкидланди.

— Ёшлар йўлини тасаввур қилолса, куч пайдо бўлади. Қийинчиликлардан, синовлардан хафа бўлмаслик керак. Ҳаёт мактабини ўтаган инсон дунёга бошқача қарайди. Ёшларнинг яхшисиям, ёмониям бизнинг фарзандларимиз. Сизларга ухшаган интилувчан, эртанги кунига бефарқ бўлмаган, касб-хунари ёшлар бошқа тенгдошларига ўрناк бўлиши керак, — деди Президент.

Президентимиз интенсив боғ инвестори билан мулоқотда бўлди.

Шу ерда Наманган viloyatида қишлоқ хўjaligi soҳасида амалга оширилаётган loyiخالар тақдироти утказилди.

Давлатимиз раҳбари Чуст туманидаги “Chust textile” хусусий корхонасини бориб кўрди.

Ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш — давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналиши. Шу мақсадда шаҳар ва туманларда тўқимачилик мажмуалари ташкил этилмоқда. Зеро, бунинг учун хомашё, инфратузилма ва бозор бор.

“Chust textile” корхонаси “Наманган” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ташкил этилган. Фабриканинг иккита мажмуасида 1 минг 300 киши меҳнат қилмоқда.

Корхона буюртмага қараб, барча турдаги усти ва ички қийимларни ишлаб чиқариши мумкин. 2020 йилда қарийб 2 минг тонна мато ҳамда 5 миллион 200 минг донга тайёр трикотаж маҳсулотини ишлаб чиқарилиб, Италия, Россия, Қозоғистон ва Тожикистон каби давлатларга 9 миллион доллардан зиёд экспорт қилинган. Жорий йилда экспорт ҳажмини 12 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Президент корхонадаги иш жараёнини, тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди.

— Илгари эгилиб пахта экардик, эгилиб терардик, лекин бошқа давлатларни боқардик. Охири йилларда яратилган имкониятлар туфайли янги корхоналар пайдо бўляпти, тадбиркорлар эмин-эркин ривожланипти, қайта ишлаш даражаси ошяпти.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” Стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

а) қуйидаги асосий устувор йўналишларни назарда тутуви **2021-2022 йилларда сунъий интеллект технологияларини ўрганиш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ:

сунъий интеллектни қўллашнинг асосий йўналишлари ва тамойилларини, шунингдек, яқин ва узоқ истиқболда ушбу соҳани комплекс шакллантириш учун шарт-шароитларни белгилловчи **Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш**; иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда ягона талаблар, жавобгарлик, хавфсизлик ва шаффофликни белгилловчи **норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш**;

аҳоли манфаатлари йўлида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, маълумотларни қайта ишлашда давлат органларининг самарадорлигини ошириш учун **сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланиш**;

фойдала технология ечимларини ишлаб чиқиш бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ўтказиш ва уларни кейинчалик тижоратлаштириш рағбатлантирувчи **сунъий интеллект соҳасида инновацион ишланмаларнинг маҳаллий экотизимини яратиш**;

сунъий интеллект технологияларини қўлловчи дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларига рақамли маълумотлардан фойдаланиш учун шaroит яратиш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли маълумотларини тезкор рақамлаштириш таъминлаш;

сунъий интеллект соҳасидаги илмий ишлар ва ишланмаларнинг инвестицион жозибдорлигини шакллантириш, шу жумладан, товарларнинг (иш ва хизматларнинг) ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш;

маҳаллий корхоналар ва мутахассисларнинг сунъий интеллект соҳасидаги ахборот ресурслари ва билимлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, шунингдек, зарур таълим муҳитини ривожлантириш;

қўшма халқаро тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, республикамизнинг нуфузли рейтинглар ва

индексларда позициясини яхшилаш мақсадида **сунъий интеллект ва уни қўллаш технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш**;

б) қуйидаги устувор тармоқлар ва соҳаларда, шу жумладан, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентларини жалб қилган ҳолда **Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган тажриба-синов лойиخالар рўйхати** 2-иловага мувофиқ:

қишлоқ хўjaligi soҳасида: ерни масофадан зондаш маълумотлари асосида tupроқ ва қишлоқ хўjaligi экинлари ҳолатини, шунингдек, қишлоқ хўjaligi техникаси, шу жумладан, комбайнлар ишини мониторинг қилиш жараёнида сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Қишлоқ хўjaligi вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбеккосмос” агентлиги (**Ж.Ходжаев, Қ.Юлдашев, Ш.Қодиров**);

банк соҳасида: тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (SubTech ва RegTech) бажарилишини соддалаштириш, шунингдек, банк хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (FaceID) ва кредит таваккалчиликларини баҳолаш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Марказий банк, “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ, АТ “Алоқабанк” (**М.Нурмуратов, А.Мирсоатов, К.Ирисбекова**);

молия соҳасида: бюджет харажатлари, пенсия, ижтимоий ва сугурта тўловлари, шунингдек, нафақа тўловларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини ошириш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Молия вазирлиги (**Т.Ишметов**);

солиқ соҳасида: юридик шахсларнинг солиқ тушумларини таҳлил қилиш, солиқ тўловларидagi тафовутларни аниқлашда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги (**Ш.Кудбиев, Д.Султонов**);

транспорт соҳасида: локомотивларни бошқариш жараёнида уларнинг ҳаракатини кузатиб бориш ва хавфли вазиятларда машинистларни огоҳлантиришда, жамоат транспорти ҳаракатини таҳлил қилиш ва уларнинг оптимал йўналишларини аниқлашда, шунингдек, автомобиль ҳаракатини ва транспортдаги тирбандликларни мониторинг қилишда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Транспорт вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ, Ички ишлар вазирлиги (**И.Маҳкамов, Х.Хасилов, А.Жўраев, А.Икрамов**);

▶ Давоми 2-бетда

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ ҲАЁТДА ҲИС ЭТИБ

ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР

Шaroит ва имконият яратилмоқда, мақсадга эса ҳаракат билан эришилади



Киш оёқламоқда. Табиат, шунга монанд одамлар кайфияти ҳам Ўзгаришга юз тутаяпти. Қалбларда янги умидлар уйғонмоқда, орзу-ўйлар, ниятлар тозармоқда. Ўз ҳаётидан мамнун кишилар билан суҳбатлашганингиз сайин яшашга бўлган иштиёқингиз ортиб бораверади. Айни кунларда оҳангаронликлар, хусусан, ёшлар келажакка ёруғ назар билан қарамоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари бор...

▶ Давоми 3-бетда

ЯНГИ ТИЗИМ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ЖАМИЯТДА АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ



Феруза ЭШМАТОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотларнинг самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш, жамиятимизнинг бошқа соҳалари каби инсон ҳуқуқлари муҳофазасига йўналтирилган чора-тадбирларни ҳам замон талабидан келиб чиқиб тубдан такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим талабидир. Бу вазифа Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — омбудсман зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Айтиш керакки, фуқаролар мурожаатлари ва шикоятларини қўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган

ҳуқуқларини тиклаш, инсон ҳуқуқларини кафолатловчи қонунчилик базасини мустаҳкамлаш борасида фаолият юритувчи омбудсман тузилмаси мамлакатимиз ҳуқуқ тизимида алоҳида ўрин эгаллади.

Бошқа тузилмалардан фарқли ўлароқ, омбудсман нафақат қонунийлик, балки самарадорлик, мақсадга мувофиқлик, виждон ва адолат нуқтаи назаридан фаолият кўрсатади.

Мазкур институт фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишчи “Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)” тўғрисидаги қонун Марказий Осиё бўйича биринчи бўлиб Ўзбекистонда қабул қилинган.

▶ Давоми 3-бетда



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: “НАМАНГАНГА ОДАМЛАРНИНГ ЭРТАНГИ КУНИНИ ЯХШИ ҚИЛИШ УЧУН КАТТА ЗАМИН, КАТТА МАБЛАҒЛАР БИЛАН КЕЛДИК”

Бошланиши 1-бетда

Кластерлар тузиб, пахтани эғали қилганимиз учун унинг сифати ҳам ўзгарапти. Пахта сифатли бўлса, тадбиркорга осон бўлади, маҳсулоти сифатли, рақобатбардош бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Корхона бинолари кўп материал сарфланмай, ангар усулида барпо этилган. Натижада қурилишнинг ўзидан 6 миллион доллар иқтисод қилинган. Яна бир афзаллик шундаки, иншоот аънавий усулга нисбатан 2-3 марта тез йиғилади ва тикланади. Арзон ва сифатли ушбу материални кейинчалик зарур бўлганда таъмирлаш учун ҳам кам маблағ сарфланади. Бино шамол, қор ва зилзилага ўта бардошли. Махсус ҳаво алмаштириш ускуналари билан жиҳозлангани туфайли қишда иссиқлик, ёзда салқинлик таъминланган.

Давлатимиз раҳбари бунинг маҳсулот таннаригига, рақобатбардошлигига таъсирини таъкидлаб, бошқа тўқимачилик мажмуаларини ҳам шундай лойиҳа асосида қуриш бўйича кўрсатма берди. “Chust textile” лойиҳасининг умумий қиймати қарийб 12 миллион доллар бўлиб, уч босқичга мўлжалланган. Тўлиқ қувватда йилига 5 минг тонна мато, 15 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Ишчилар сонини 2 минг 200 га етказиш режалаштирилган.

Шу ерда Наманган вилоятида амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари тақдими бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги “Даштбўғ” кичик саноат зонасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида саноат салоҳиятини янада ошириш учун туман ва шаҳарларда технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилишини айтган эди.

Хусусан, Наманган вилоятида 72 та кичик саноат зонаси учун жой ажратилган. Бугунги кунда шундан 34 таси қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Даштбўғдаги мажмуа яқинда ташкил этилганига қарамай, корхоналар бирин-кетин ишга туша бошлади. Масалан, “Dream liner tekstil” масъулияти чекланган жамиятида махсус кийимлар ва эркаклар кўйлаги тикиш йўлга қўйилди. Бу ерда маҳаллий аҳоли вакилларида 120 нафари ишламоқда.

Шавкат Мирзиёев улар билан мулоқотда бўлди.

— Эшитапсизлар, Ўзбекистонда “маҳаллабай”, “хонадонбай” деган ибора пайдо бўлди. Бу дегани — ҳар бир оиланинг дардини, ниятини билиб, уларга елкадош, кўмакдош бўлиш, шароит яратишга ҳаракат қиляпмиз. Маҳаллангизда мана шундай жой қурилгани, сизлар ишли бўлиб, бир-бирларинг билан қўришиб, вилоятда, мамлакатимизда бўлаётган янгилıklarдан хабардор бўлиб, яхши кайфиятда яшаётганларингиз — ана шу ҳаракат натижаларидан бири. Олдинда яна режаларимиз, мақсадларимиз кўп. Наманганга ҳам одамларнинг эртанги кунини яхши қилиш учун катта замин, катта маблағлар билан келдик, — деди Президент.

Бу ерда яна тўртта корхона фаолият қурймоқда. “Navro‘z tekstil sanoat” корхонасида болалар ва эркаклар кийими, “Aziz Dizayn Servis” ширкатига сумка, рюкзак ва чамадон, “Biaz text”да сендвич панеллар ишлаб чиқарилмоқда. “Келажак мега строй” масъулияти чекланган жамияти томонидан ўқув маркази очилган. Мазкур корхоналарда 300 га яқин иш ўрни яратилган.

“Даштбўғ” кичик саноат зонаси майдони қарийб 4 гектар. Яна кўплаб корхоналарда қурилиш, ускуналар ўрнатиш давом этмоқда. Саноат

зонасида умумий қиймати 119 миллиард сўмлик 22 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. 3 мингдан ортиқ иш ўрни яратиб, 2,7 миллион долларлик экспорт қилиш мўлжалланган.

Кичик саноат зонаси Даштбўғ маҳалласи ичида жойлашган. Бу ерда 1 та мактаб, 2 та бочка, тиббиёт пункти, Давлат хизматлари маркази ва Миллий банк филиали бор. 4700 дан ортиқ аҳоли истикомат қиладиган маҳаллада кичик саноат зонаси қурилгани, айниқса, барчани хурсанд қилди. Хозирнинг ўзида 60 дан зиёд ёш доимий иш ўрнига эга бўлди. Саноат зонаси тўлиқ фаолият бошлагач, Даштбўғ маҳалласида яшовчи 1500 дан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланади. Яъни маҳаллада ишсиз одам, деярли, қолмайди. Бундан ташқари шу атрофда яшовчи Шодлик, Заркент, Юқори Ғирвон, Ўрта Ғирвон, Меҳрибонлик, Обихаёт, Зарафон каби маҳалларда яшовчи юзлаб ёшлар ишли бўлади.

Шу ерда Наманган вилоятида йўл, транспорт, қурилиш ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари Ахсикент ёдгорлигини очик осмон остидаги музейга айлантириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди.

— Ахсикент — жуда нодир ёдгорлик. У ердаги ишларни илм билан, миллий гурур билан, ҳурмат билан қилиш керак. Бу жой “Наманганнинг Регистони” бўлиши керак, — деди Президент.

Президент “Даштбўғ” кичик саноат зонасидаги корхоналарни кўрганидан кейин, маҳалладаги шароитларни кўздан кечирди. Исмоил Қирғизов ва Малика Париева хонадонда бўлиб, улар билан суҳбатлашди. Гурунга қўни-қўшнилар ҳам келди.

— Мен кўпроқ оддий одамлар билан гапласам, сизларнинг кўзларингизга қарасам, ниятларингизни билсам, дейман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

СУНЪЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

энергетика соҳасида: энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва уларнинг истеъмолини прогноз қилишда, технология ускуналар ишини оптималлаштиришда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Энергетика вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ (А.Султанов, У.Муслимов);

соғлиқни сақлаш соҳасида: инсон ўпкасининг компьютер томографияси таҳлили асосида пневмонияни аниқлаш ҳамда маммография таҳлили асосида қўқрак бези саратонига илк босқичда ташхис қўйиш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев, А.Азизов);

фармацевтика соҳасида: бозорнинг дори воситалари ва тиббий буюмларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва прогнозлаштиришда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, “Дори-Дармон” АЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (С.Кариев, У.Салихбаева, А.Азизов);

электрон ҳукумат соҳасида: электрон давлат ва молия хизматларини кўрсатишда фойдаланувчиларни масофадан туриб биометрик идентификациялаш (Face-ID) учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиқов).

2. Қуйидагиларга:

Инновацион ривожланиш вазирлигига (И.Абдурахмонов) сунъий интеллект соҳасида илмий-техник тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига (Ш.Садиқов) сунъий интеллект асосидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш учун технологик шароитларни яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон фармони билан ташкил қилинган “**Рақамли Ўзбекистон — 2030**” **Стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига** (А.Н.Арипов) (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштириш комиссияси) Дастурни ҳамда сунъий интеллект технологияларини татбиқ этиш ва қўллаш билан боғлиқ бошқа ташаббусларни комплекс мувофиқлаштириш юзасидан жавобгарлик юклансин.

3. Мувофиқлаштириш комиссияси (А.Н.Арипов) етакчи хорижий мутахассислар ва компанияларни жалб қилган ҳолда 2021 йил 1 декабрга қадар яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган **Сунъий интеллектнинг ривожлантириш стратегиясини** тасдиқлаш учун киритсин.

4. Белгилансинки:

сунъий интеллект соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни молиялаштириш **Инновацион ривожланиш ва новаторлик қўлларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан **ушбу мақсадлар учун алоҳида очиладиган ҳисоб рақами** орқали амалга оширилади;

сунъий интеллект технологияларини қўловчи илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни мақсадли молиялаштириш Жамғарманинг маблағлари ҳисобидан **Мувофиқлаштириш комиссияси ишчи органининг ҳулосасига** қўра амалга оширилади;

Инновацион ривожланиш вазирлиги Мувофиқлаштириш комиссиясининг ҳулосасига қўра, давлат илмий дастурлари бўйича илмий лойиҳаларни молиялаштириш учун мўлжалланган Давлат бюджети маблағлари доирасида Жамғармага сунъий интеллект соҳасида илмий тадқиқот ва инновацион ишланмаларни ҳамда ушбу соҳани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштиришга маблағларни йўналтириш ҳуқуқига эга.

5. Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ҳамда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Интеллектуал-дастурий тизимлар илмий-амалий маркази негизда **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузуридаги Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил қилинсин.

Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” Стратегиясини ҳар томонлама амалга оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ташкил қилиш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш;

сунъий интеллект соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни олиб бориш, рақамли технологияларни ривожлантиришнинг илмий экзотизмини шакллантириш;

сунъий интеллект технологиялари асосида бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш бўйича инновацион маҳсулотларни ҳамда уларнинг моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш бўйича етакчи хорижий инновацион ва илмий муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш.

6. Белгилансинки:

Институт **юрдик шахс мақомига эга давлат илмий ташкилоти** бўлиб, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ҳамда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Интеллектуал-дастурий тизимлар илмий-амалий марказининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

2021 йил 1 мартдан бошлаб Институтнинг жорий фаолияти, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (ийллий ходимлардан ташқари) бўйича харажатларни молиялаштириш **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;**

Институт ходимларига **Фанлар академияси** тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари татбиқ этилади;

Давлат бюджетининг мазкур қарор доирасида Институт фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлари 2021 йилда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги учун ажратилган бюджет ажратмалари доирасида молиялаштирилади, 2022 йилдан эса Давлат бюджетининг харажатлар параметрларида белгиланган тартибда назарда тутилади.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий аппарати тузилмасида 15 та штат бирлигидан иборат бўлган **Сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш департаменти** тузилсин.

Белгилансинки:

департамент ходимлари сонни мазкур қарорнинг 5-бандига мувофиқ қайта ташкил қилинаётган марказларнинг штат бирикмлари ҳисобидан шакллантирилади;

департамент ишини умумий мувофиқлаштириш, уни малакали кадрлар билан тўлдириш

Бош вазир маслаҳатчиси — Вазирлар Маҳкамасининг IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи томонидан амалга оширилади.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, давлат органлари, тижорат банклари ва йирик саноат корхоналарининг **Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича қўшма альянсни** 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилиш бўйича таклифи маълумлансин.

Белгилансинки:

Қўшма альянс сунъий интеллект технологияларини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида жорий қилиш бўйича устувор лойиҳаларни жадал ва биргаликда амалга ошириш, уларни ишлаб чиқиш харажатларини оптималлаштириш, ушбу соҳадаги энг яхши тажрибаларни давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида оммалаштириш мақсадида ташкил қилинади;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қўшма альянсини ишчи органи ҳисобланади.

9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси 2021 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар портали фаолияти доирасида маҳаллий илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги дастурчилар ва ташкилотларга сунъий интеллект асосидаги дастурий таъминотда фойдаланиш учун давлат ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш иқмониятини тақдим этувчи **рақамли маълумотлар платформаси**ни яратсин.

10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Марказий банк **идораларо ишчи гуруҳини ташкил қилсин** ва энг яхши хорижий тажрибалар асосида 2021 йил 1 июнга қадар Вазирлар Маҳкамасига экспериментал инновацион тадқиқотлар доирасида **сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус ҳуқуқий режими**ни жорий қилишнинг аниқ механизмлари тўғрисида, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларни киритсин:

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини сунъий интеллект технологияси асосида трансформация қилишни молиялаштиришга қўмаклашиш дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини сунъий интеллект технологияси асосида трансформация қилиш натижасида иш жойларини сақлаб қолиш мақсадида ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга кетган сарф-харажатларни субсидиялаш дастурини ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектлари учун сунъий интеллект ечимларини ишлаб чиқиш ва ўз фаолиятида жорий қилиш бўйича тадқиқотлар ва ишланмаларни (R&D) рағбатлантирувчи чоралар кўриш.

11. Мувофиқлаштириш комиссиянинг 2021 йилда **сунъий интеллект соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун очик шаклда тақдим этиладиган давлат маълумотларини** яратиладиган платформада 4-иловага мувофиқ **рўйхат бўйича** жойлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Сунъий интеллект учун давлат маълумотларини шакллантиришга маъсул тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ўзига тааллуқли қисмларда маълумотларни ўз вақтида

Нуронийлар маҳалла тизимига эътибор натижасини ўз ҳаётлари мисолида сўзлаб берди. Ижтимоий муаммолар ҳал бўлиб, турмуш шароити яхшиланаётганини айтди.

— Нима учун ҳамма кучни маҳаллага ташлаяпмиз. Марказдаги битта кўчани ёритиб қўйганимиз билан одамлар рози бўлмайди-ку. Маҳаллалардаги одамларимиз, аёлларимиз, жонажон ёшларимизни ким эшитади?! Наманган вилоятида ҳам 141 та маҳаллада муаммолар бор — қаерда йўл йўқ, қаерда сув йўқ, қаерда ишсизлик кўп. Ушбу камчиликларни билиб, ҳис қилиб, катта маблағ билан келганмиз. Энди уни ким назорат қилади, ким халқни ўйлайди? Маҳалла, жамоатчилик. Энди маҳалла раиси янгилликка интилган, одамларнинг оғирини енгил қиладиган бўлиши керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Даштбўғ маҳалласи идораси, Давлат хизматлари маркази филиали кўздан кечирилди.

Президент Наманган шаҳридаги “Art soft holding” ширкатининг илмий-амалий малака ошириш маркази ҳамда “Ишга марҳамат” мономаркази фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 августдаги “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолиятини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, барча ҳудудларда шундай марказлар ташкил этилмоқда.

“Art soft holding” ширкати маркази тўқимачилик соҳасига ихтисослашган. Бу ерда 12 турдаги ишчи касб бўйича йилига 2 мингдан зиёд мутахассис тайёрланади.

Корхона ёнида жойлашган мономарказда 9 соҳанинг 27 хил йўналиши бўйича йилига 3 минг

нафардан зиёд аҳоли ўқитилади. Бу йўналишлар меҳнат бозори талабини ўрганиш асосида ташкил этилган. Ўқув ва машғулот хоналари зарур асбоб-анжом, станок, компьютер, муляж ва бошқа амалиёт ускуналари билан таъминланган.

Мухим томони шундаки, марказ давлат-хусусий шериклик тизимида ишлайди. Машғулотларни амалиётчи усталар, тадбиркорлар олиб боради. Давлат шароит яратиб, илмий-ишлаб чиқариш жиҳатидан таъминлайди, тадбиркорлар эса ўзлари ўқитган ёшларни ишга олади. Яъни, бу ерда касб ўргатган йигит-қизлар ишсиз қолмайди.

Марказда ахборот технологиялари ва хорижий тиллар ҳам ўргатилади. Хусусан, IT-мутахассислар онлайн хизматлар кўрсатиб, яхши даромад топтомоқда.

Президентимиз марказда яратилган шароитлар билан танишди, мураббийлар, касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди. Давлатимиз раҳбари вилоятга келишдан асосий мақсади, ислохотларни амалга оширишда қийинчилик туғдираётган омиллар, Наманганнинг иқтисодий салоҳияти, ишбилармон одамлари ҳақида гапирди.

Мономарказда Наманган вилоятида “маҳаллабай” ишлаш тизимини ташкил этиш юзасидан тақдимот ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Ўза мухбирлари

ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиқов, О.Пекосъ), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов, А.Назаров), АТ “Алоқабанк” (К.Ирисбекова), “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (А.Мирсоатов) иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа, давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, **“Сбер” гуруҳи (Россия) билан хорижий илғор тажриба ҳамда энг яхши тажрибалар асосида сунъий интеллект технологиялари ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалалари бўйича** ҳамкорлиқни фаоллаштириш чораларини кўрсин, шу жумладан:

бир ой муддатда пилот лойиҳаларини тезкорлик билан ва самарали амалга ошириш, маҳаллий мутахассисларни ўқитишни ташкил қилиш, шунингдек, мазкур қарорда белгиланган бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилиш бўйича биргаликда **“йўл харитаси”**ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

сунъий интеллектни ривожлантириш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида, шунингдек, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базани тайёрлашда маслаҳатчи сифатида катнашиш учун **“Сбер” гуруҳининг (Россия) етакчи мутахассислари ва экспертлари** жалб қилинишини таъминласин.

17. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида қишлар ва тематик телекўрсатувлар ташкил қилсин.

18. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Инновацион ривожланиш вазири **И.Ю.Абдурахмонов** ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири **Ш.М.Садиқовлар** зиммасига мазкур қарорнинг бажарилишини самарали ташкил қилиш бўйича шахсий масъулият юклатилсин.

Мазкур қарорнинг 2, 3 ва 4-иловаларида кўрсатилган вазирлик, идора ва ташкилотлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда илгирима кун муддатда юклатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича **“манзилли йўл хариталари” (чора-тадбирлар дастурлари)**ни тасдиқласин.

Мувофиқлаштириш комиссияси (А.Н.Арипов) мазкур қарорнинг бажарилишини ҳар чорада муҳокама қилиш, масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилишни таъминласин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Р.А.Ғулямов, А.А.Абдувахит

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ ҲАЁТДА ҲИС ЭТИБ

ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР

Шароит ва имконият яратилмоқда, мақсадга эса ҳаракат билан эришилади



Рамиз ГАЛИЕВ оғлан гурапар.

Бошланиши 1-бетда

Оҳангаронда Учинчи Ренессанс бунёдкорлари улгаймоқда

Бугун мамлакатимизнинг турли ҳудудларида аҳолининг барча қатлами, хусусан, ёшлар учун қулай шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Жойларда ташкил этилаётган ёшлар технопарклари йигит-қизларнинг интеллектуал, илмий, ижодий салоҳиятини намоён этиши, шунингдек, ижтимоий мослашуви учун зарур шароитлар яратиш, уларни замонавий касб-ҳунарга йўналтириш, бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Оҳангарон шаҳрида, катта йўл ёқасида Тошкент вилоятидаги илк Ёшлар технопарк қурилиб, фойдаланишга топширилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги маблаглари ҳисобидан замонавий лаборатория ускуналари ҳамда техника харид қилинди. Ушбу технопаркда ёшлар робототехника ва мехатроника, электроника, 3D прототиплаштириш, 3D моделлаштириш, дастурлаш каби йўналишлар бўйича таълим олади. Шунингдек, ўз лойиҳаларини ишлаб чиқади, акселерация жараёнларини амалга оширади ҳамда тижоратлаштиради.

Технопарк Оҳангарон шаҳрида жойлашган бўлишига қарамай, Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманлари, қишлоқ ва овулларидаги ёшлар учун очик. Инновацион ривожланиш вазирлигининг "Технобус" мобил таълим платформаси турли ҳудуддаги ёшларга замонавий йўналишларда таълим беради ҳамда иктидорлиларни Ёшлар технопаркига жалб этади.

Акбархон СОБИРХОНОВ, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази директори ўринбосари:

— Марказнинг асосий вазифаси ёшлар учун инновацион муҳит яратишдан иборат. Йигит-қизларнинг қизиқишини инobatга олган ҳолда, уларга таълим бериш орқали турли йўналишдаги лойиҳаларни юзга чиқарамиз. Ҳозир кимдандир лойиҳа бор, бироқ уни тақдимот қилиш, тижоратлаштириш, ўз билимини даромадга қандай йўналтириш, яъни, лойиҳасини амалга ошириш йўллари билмайди. Технопарк эса уларга ана шу имкониятни тақдим этади. Қисқа қилиб тушунтирадиган бўлсак, ёшлар ўзлари уйлабган ихтиродан то бизнес оламига кириб келгунга қадар бўлган жараён айнан шу ерда амалга оширилади. Бундан ташқари, улар грантларга жалб қилинади.

Ёшлар технопарки очилиш маросимидан сўнг ташкил этилган тадбирда "Ёшлар дафтери"га тушган, бироқ ишлаш, ўз бизнесини йўлга қўйиш истида бўлган, тақдим этган лойиҳалари муносиб, деб топилган ёшларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.



Баҳодир Боймаматов Оҳангарон шаҳридаги "Хонобод" маҳалласида яшайди. Давлатимиз раҳбарининг ёшларга ғамхўрлигидан, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш мақсадида ўз бизнесини йўлга қўйишга қарор қилди. У дастлаб ишни курсда ўқидан бошлади, нововойликни пухта ўрганди. 14 фоизли 33 миллион сўм кредит олди. Агар бу соҳада ўз фаолиятини муваффақиятли йўлга қўя олса, келажакда нововойхонани кенгайтириб, нон ва нон маҳсулотлари бизнесини юритмоқчи.

— 11-синф ўқувчисиман. Болалигимдан математикага кучли иштиёқим боис, фанни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилиб келялман. Шу билан бирга, инглиз тилининг жозибаси мени ўзига ром қилади. Икки йил давомида бу тилни ҳам астойдил ўрганиб, IELTS сертификати учун имтиҳон топширдим. Натижа 7 балл. Бироқ айни пайтда яна тайёргарлик кўрялман. Шаҳримизга Олмалик туманидан келиб, инглиз тилини ўрганган Шохруҳ исмли ўқувчим 7,5 балл тўплади. Мен ўқувчимнинг рекордини янгилашим керак, — дея ҳазил аралаш мақсад ва режаларини даврадагилар билан баҳам кўрди Оҳангарон шаҳридаги 1-мактаб ўқув-



чиси Нигина Мустафоева.

— What dreams do you have?
— I got a chance to study abroad. But I want to study in Uzbekistan.

Тадбирда иштирок этаётган Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Даврон Ҳидоятлов Нигинани инглиз тилида саволга тутди. Қиз эса ўзга тилда бийрон-бийрон сўзлай кетди. Ҳоким Нигинага катта ишонч билдирди. Бу мулоқот қизиқ, ҳатто катталарга ҳам мотивация берди.

Нигина Мустафоева бу балл билан ҳам халқаро университетларда ўқиши мумкин. Масалан, Малайзиядаги Кибержая университетида. Бироқ у Ўзбекистонда ўқимокчи эканини айтди. Чунки ўзи туғилиб ўсган Оҳангарон шаҳрида пойтахтдаги ўқув марказларидан қолишмайдиган марказ очмоқчи. Оҳангарон, қолаверса, вилоят ёшларига инглиз тилини пухта ўргатмоқчи.

Янги манзиллар янги марраларга йўл очади

Бугун уй-жой масаласига талаб ва эҳтиёж юқори. Ҳамма ҳам

ватанда "кичик ватанли" бўлишни истайди. Бу борада давлатимизда ота-онасиз ўсган йигит-қизларга аҳамият қаратилаётгани қувонарли. Оёққа туриб олиш, ўз йўлини топиб кетишида уларга мадад керак. Ана шунда қалбларидаги кем-тиклик сезилмайди.

Оҳангарон шаҳрининг "Янгилик" маҳалласида қуриб фойдаланишга топширилган уйлардан шинам хонадонлар етим ўсган йигит-қизларга ажратилди. Уларнинг айримлари Меҳрибонлик уйи битирувчилари бўлса, баъзилари SOS болалар маҳалласида улғайган ёшлар.

Тошкент давлат юридик университети 1-курс талабаси Азизбек Жумабоев ўзининг уйи, оиласи бўлишни болалигидан орзу қиларди. Бунинг учун эса, аввало, бирор касбнинг бошини тутиши ёки олий таълим олиши лозим эди. Университетга ўқишга қабул қилинган, уй олиш учун ариза топширди. Азизбекнинг аризаси қисқа муддатда ижобий ҳал этилиб, "Янгилик" маҳалласидан бир хонали уй берилди. У ўз олдида катта мақсадларни қўйган. Халқаро тоифадаги адвокат бўлиш учун ўқиб, изланмоқда. Бу йўлда эса унга қанот бўлаётган, умид бераётган Президентимиздан миннатдор.

Шу кун Азизбек қатори Абдуқаҳҳор Шоназаров, Рашид Хисматуллин, Наима Хисматулина, Рушана Обиджонова, Умида Сайфуллаева каби ёшларга ҳам уй қалитлари топширилди.

— Бошимизни силайдиган қўллар борлиги бизни доимо руҳлантириб келган. Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли, мана, уйли бўлдик. Мақсадим — Ўзбекистонимиз учун хизмат қиладиган кадр бўлиб етишимиз, ўз оилам билан бахтли яшаш, — дейди Умида Сайфуллаева.

Шу кунги ёш спортчи Санжар Турсунов, кам таъминланган Илҳом Иброҳимовга ҳам уй топширилди. Улар орасида Оҳангарон шаҳридаги Қорақўл мактаби директори ҳам бор.

Қорақўл мактаби энди Тошкент вилоятида

Шавкат Мирзиёев ўтган йили Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: "Қорақўл мактаби биз учун замонавий мактабнинг ҳақиқий андозаси эмасми? Нима учун Халқ таълими вазирлиги унинг ноёб тажрибасини етарлича оммалаштирмайпти? Нима учун бошқа мактаб директорлари бу таълим даргоҳидан ибрат олмапти?", деган эди. Президент танқидидан сўнг жойларда мазкур мактаб тажрибаси оммалаша бошлади. Жойларда Қорақўл мактаблари ташкил этилмоқда.

Оҳангарон шаҳрида Тошкент вилоятидаги математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган илк мактаб-интернат ҳам Қорақўл тажрибаси асосида очилди.

Таълим муассасасида 7-10-синфларда 206 ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Мактаб директори ҳам айнан Қорақўл мактабидан тақлиф этилган. Директор ўзи билан она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Марҳабо Эҳмаббердиева, инглиз тили фанидан Соҳида Файзуллаева, Ортиқ Нодиров, физикадан Сурайё Норбоева, математикадан Илҳом Ҳамдамов каби ўқитувчилар жамоасини олиб келган. Уларнинг мақсади аниқ. Ўқувчилар ҳам бу ердаги таълим ва тарбия жараёнига аллақачон кўникиб улгурди.

Комилжон ҚОДИРОВ, Оҳангарондаги Қорақўл математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори:

— Яқинда мазкур мактаб-интернатда директор лавозимига фаолият бошладим. Ёшлар таълим-тарбияси-

га қаратилаётган эътибор, илм-фан, хусусан, математика ривожини учун яратилаётган шароитлар туфайли бу каби илм масканлари қад ростламақда. Президентимизнинг Қорақўл тажрибасини оммалаштириш лозимлигини таъкидлагани ортидан Оҳангарон шаҳри ҳокими вилоятда илк шундай мактабни Оҳангарон шаҳрида очиб тақлифи билан чиқди. Ўзи Қорақўлга бориб, тажриба ўрганди: дарсларни кузатиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди, шароитларни кўрди. Ҳоким барча масъулиятни, оғирликни ўз зиммасига олди. Ўқитувчиларнинг асосий қисми Қорақўлдан келган. Уй ва бошқа масалаларни имкон даражасида яратдик. Мақсадимиз ўғил-қизларимизни илмли қилиш, уларни мамлакатимиз қорига ярайдиган, ўз салоҳияти билан барча жабҳада қуратгани намойиш қиладиган, оширадиган қилиб тарбиялашдан иборат.

Мактаб-интернат келаси ўқув йилидан самара беришни бошлайди. Боиси, бу йилги 10-синф ўқувчилари билан Қорақўл, шунингдек, Тошкент вилояти ҳудудларидан имтиҳон асосида йиғилган маҳоратли педагоглар жамоаси астойдил ишлашни бошлади. 11-синфни битиргач, улар олий ўқув юртларига имтиҳон топширади.

"Мен дардимни сизга айтаман..."

Президентимиз яхши аънанани бошлаб берди. Халқ орасида юриб, уларнинг қувончу ташвишлари билан танишмоқда, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топишга кўмак бермоқда. Давлат раҳбаридан улғу олган вилоят ҳокимлари ҳам шу йўлдан бораётир.

Тошкент вилоятининг "Қумову" маҳалласида шу кўннинг ўзида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Даврон Ҳидоятлов сектор раҳбарлари билан бирга Халқ қабулхонасида вилоят аҳлининг дардига қўлоқ тутди.

Майсара Акмалова Бўка туманида истикомат қилади. Тўрт фарзанднинг онаси. Уни вилоят раҳбари қабулига жигар циррозининг охириг босқичи ташхиси билан даволанаётган ўли ҳамда 2-гурӯх ногирони бўлган турмуш ўртоғининг ташвиши етаклаб келди. Майсара опанинг айтишича, 1 миллион 400 минг сўм маоши билан рўзғор тебратлади. Турмуш ўртоғида ишлаш имконияти йўқ. Уларнинг қорнини тўйдириш, устини бут қилиш, асосийси, дори-дармонга маблағ топиш оиланинг яғона боқувчиси — Майсара опанинг зиммасида. Унга давлат томонидан кўмак берилмоқда. Бироқ бир марталик ёрдам пуллари ёки ҳомийларнинг кўмаги бир ойда 40-50 миллион сўмлик дори-дармонга муҳтож оилага етмайди.

Вилоят ҳокими мутасаддиларга мунтазам равишда беморлар ҳолидан хабар олишни, уларни керакли дори-дармонлар билан таъминлашни топширди. Бу оила назоратини вилоят ҳокими шахсан ўз назоратида қолдиришини таъкидлади. Шунингдек, оилага ер ажратилади, фермер бириктирилади. Майсара опа фарзандлари билан деҳқончилик қилади, рўзғоридан орттириб, бозорга олиб чиқиб сотади. Шу тариқа оиланинг оғири енгиллашади.

Бекободлик тадбиркор, "Davron-Shodiyor" МЧЖ раҳбари Сафарой Бердиева трикотаж маҳсулотлари экспортини йўлга қўйган. Айни пайтда кўшни республикалар, хусусан, Тожикистон бозорларида унинг маҳсулотлари харидориг бўлиб турибди. Тадбиркор экспорт салмоғини оширмоқчи. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди. Қўлида кўшни тожикистонлик тадбиркорлар билан тузилган шартнома бор. Сафарой опа 500 миллион миқдорида кредит ололмаётгани учун бу борада кўмак сўраб келган.

— Экспортни ошириш учун менга қўшимча ишчи кучи керак. Ҳозир аёллар ўқитилаяпти, бироқ номга. Тикувчи аёллар замонавий машина билан ишлашни билмайди. Мен замонавий машиналар харид қилиб, аёлларни ўқитиб, шу орқали уларни иш билан таъминламақчиман, — деди С.Бердиева.

Даврон Ҳидоятлов тадбиркор аёлни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди. Зеро, бугун тадбиркорликка кенг йўл берилаётгани, айниқса, экспорт мамлакат иқтисодий ўсишига хизмат қилишини таъкидлади. Унинг кредит масаласи шу ернинг ўзида ҳал этилди.

Муаммонинг катта-кичиги бўлмайди. Шу маънода, мутасаддилар ҳар бир одамнинг муаммосига биргалашиб ечим топишга ҳаракат қилмоқда. Бирлашиб, аҳилликда ҳаракат қилиш эса мурожаатларни ҳал этишнинг энг тўғри ечимидир.

Башорат ЮНУСОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ЯНГИ ТИЗИМ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ЖАМИЯТДА АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Бошланиши 1-бетда

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида эса ўтган 4 йил давомида илгор хорижий давлатлар тажрибаси, нуфузли халқаро ташкилотларнинг тавсия ва тақлифлари асосида парламент омбудс-мани ваколатлари янада кенгайди.

2015-2020 йиллар давомида омбудсманга 68 минг 197 мурожаат келиб тушган. 2020 йилнинг ўзида "Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддасига биноан, омбудсман томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги аниқланган қонунчиликни бузиш ҳолатларини, уларга хизмат қилувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарларига 21 та тақдимнома киритилган.

Бу борадаги ишлар бундан буён ҳам изчил давом эттирилади. Шунинг баробарида янги Ўзбекистон барпо этиш босқичида олдимизда турган вазифаларнинг тўлиқ ижроси диққат маркази-мизда бўлади. Тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тўбдан такомиллаштириш вазифаси шулар жумласидан. Бу масалага давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида ҳам алоҳида урғу берилди. Хусусан, қийноқларнинг олдини олишда омбудсман ваколатларини кенгайтириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини қучайтириш зарурати қайд этилди. Бунда омбудсман томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изоляторини ва жазони ўтатиш муассасаларига мониторинг таширфлари амалга оширилиб, аниқланган ҳолатлар ва муаммолар, ечимлари бўйича Олий Мажлис палаталарига ўз маърузасини тақдим этиб боради.

Бу жуда муҳим, зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этишнинг энг қўпол ва кечириб бўлмайдиган шакли ҳисобланадиган қийноқлар дунё миқёсида аксарият қонунлар билан тақиқланганки, бу тақиқнинг бузилиши юридик жиҳатдан мутлақо оқлаб бўлмайдиган ҳолатдир. Шу жиҳатдан омбудсман ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан маҳкумлар ва жазони содир этишда гумон қилинаётган шахсларга нисбатан қонуннинг таъсир чоралари қўлланилиши ҳақидаги шикоятларга алоҳида эътибор қаратади.

Умуман, кейинги 4 йил мобайнида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2019 йилда Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — бизнес омбудсман, 2020 йилнинг февраль ойида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимини жорий этилди. Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида "Бола-лар омбудсмени тўғрисида"ги қонунни қабул қилишнинг ҳам вақти-соати етгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу ҳам омбудсман институти олдида турган муҳим вазифа бўлиб, уни амалга оширишда биз, аввало, миллий кадриятларимиз, қолаверса, халқаро тажрибага таянамиз.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими институционал базасининг кенгайтирилиши ва мустақамлашгани ушбу йўналишдаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда халқаро мажбуриятларни бажариш йўналишида кейинги йилларда амалга оширилаётган ишларнинг натижаси бўлди. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони қабул қилиниши мазкур йўналишда қўйилган навбатдаги муҳим қадам бўлди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмининг янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган ушбу ҳужжатда ҳам омбудсман фаолиятига бевосита алоқадор вазифалар белгиланган. Жумладан, омбудсман ўз фаолияти ва тажрибасидан келиб чиқиб, тегишли тақлифлар киритган ҳолда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, умумэтироф этилган халқаро стандартлар ҳамда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини, шунингдек, БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияда жиноятчиликнинг, айниқса, одам савдоси, коррупция, қийноққа солиш, уюшган ва трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш, бу иллатларга қарши курашиш, шунингдек, ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларни сақлаш жойлари тизимида одил судловга ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш каби белгиланган йўналишлар ҳам бевосита омбудсманнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу йўналишларда у самарали ва таъсирчан фаолият юритиши мумкин. Чунки омбудсман оддий халққа жуда яқин, қабул ҳокимият ресурси ҳисобланади. Халқ дардига қўлоқ солиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш орқали омбудсман институти фуқаролар ва давлат ҳокимияти ўртасидаги уйғунлик мустаҳкамлашнинг таъминлайди. Шунингдек, у парламентнинг ижро ҳокимияти, айниқса, унинг ўрта ва қуйи бўғини фаолияти устидан парламент назоратининг таъсирчан воситасидир.

Давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, шунингдек, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишга доир давлат сиёсатини ҳаётга фаол таътиб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўз олдида қатор вазифаларни белгилаб олди.

Мурожаатномада белгиланганидек, омбудсман ҳузуридаги қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм доирасида вакил жамоатчилик вакиллари ва ОАВ билан биргаликда тергов изоляторини, жазони ижро этиш муассасаларига мониторинг таширфларини амалга ошириб, уларнинг яқунлари юзасидан парламентга ҳамда бошқа мутасадди вазирлик, идораларга тахлилий маълумотлар тақдим этиб боради. Бундан ташқари, аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг тахлилий ҳамда минтақавий вакилларнинг ахбороти асосланган ҳолда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келувчи омиллар, сабаб ҳамда шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларни парламент палаталарига тақдим қилиб бориш, кўрсатилган масалалар юзасидан қўмиталар, фракциялар, комиссияларда масъул идора ва ташкилот вакилларининг эшитишини ташкил этиш амалиётини ривожлантириш мақсада мувофиқдир. Шунингдек, вакил номига келиб тушган мурожаатларнинг ҳудудлар кесимидagi тахлилий асосида депутат ва сенаторлар, қолаверса, ижро органлари вакиллари билан биргаликда сайёр қабуллар ташкил этиб, муаммоларни жойида ҳал этиш амалиёти қучайтирилади. Энг муҳими, аҳолининг мурожаатлари билан ишлашда натижадорликка, ҳар бир мурожаат ечими топилишига асосий эътибор қаратилади.

Хулоса қилиб айтганда, омбудсман институти бугунги кун талаби асосида ишлаши учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилади. Хусусан, мурожаатлар билан ишлаш жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари жалб этилиб, ариза ва шикоятларни ижобий ҳал этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклашда парламент, ННТ ва ОАВ билан ҳамкорликда самарали жамоатчилик назорати юритилади. Мурожаатларни ўрганиш давомида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш юзасидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тавсияларини бажариш самарадорлигини ошириш мақсадида институтнинг мониторинг-тахлилий фаолияти қучайтирилади. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ҳам ОАВ ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Инсон асли хур яралган. Уни камситишга, ўз манфаати йўлида ҳуқуқларини поймол этишга, руҳан ва жисмонан қийноққа солишга ҳеч қим ҳақли эмас. Шундай экан, омбудсман институти инсон ҳуқуқларини тиклаш, адолатни қарор топтириш йўлида барча фидойи инсонларни, давлат ва нодавлат ташкилотлари масъулларини ҳамда халқнинг ишончли вакилларини ҳамкорликка чақиради. Агар биргаликда ҳаракат қилсак, қўзлаган мақсадимизга, албатта, эришамиз.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



Дониёр ҚУРБОНОВ,
Халқаро муносабатлар бўйича
ахборот-таҳлил маркази
директори вазифасини
бажарувчи

Ўзбек халқи қадимдан яхши қўшничилик қилиш, улар билан ўзаро мулоқотда дўстона муносабатларни сақлаб қолишдек эзгу анъаналарга содик бўлиб келган. Хоқ кичик хуудлар кесимида, хоқ катта давлатлар миқёсида бўлсин, доимо дипломатия йўлини танлаган.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари, стратегик шериклик ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш биринчи галдаги устувор вазифаларимиздан эканини таъкидлагани бежиз эмас. Сўнгги тўрт йил ичида Ўзбекистон юритаётган янги минтақавий сиёсат мамлакатнинг очик, амалий ва конструктив ташқи сиёсати йўлининг муҳим қисмига айланди.

Айниқса, мулоқот ва ҳамжиҳатлиқни ривожлантириш, яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, мавжуд келишмовчиликларни оқилона ҳал этишга қаратилаётган алоҳида эътибор сиёсий муҳитни сезиларли даражада яхшилаб, минтақада ўзаро ишончни мустаҳкамлашга имкон бермоқда. Савдо-иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш, минтақавий ҳамкорлиқнинг самарали

механизмларини шакллантириш учун яратилаётган шароитлар эса Марказий Осиёнинг сиёсий-дипломатик ва иқтисодий жозибадорлигини оширишга ёрдам берапти. Шу жиҳатдан янги минтақавий сиёсатни муваффақиятли илгари суришда бир қатор омиллар муҳим роль ўйнайди.

Биринчидан, давлат раҳбари дипломатияси ҳамда барча даражалардаги расмий алоқаларининг юқори суръати. Ўтган 4 йил давомида Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари билан 65 дан ортқ учрашуви бўлиб ўтди. Олий даражадаги алоқалар давомида муносабатларнинг асосий масалалари ҳал қилинди. Чунончи, Президентимизнинг 2017 йил сентябрь ойда Қирғизистон ва 2018 йил март ойда Тожикистонга ташрифлари якунига кўра, давлат чегараси тўғрисидаги икки томонлама шартномалар имзоланиб, улар Ўзбекистон чегаралари умумий узунлигининг деярли 94 фоизини делимитация қилиш имконини берди. Давлат раҳбарларининг ишончга асосланган мулоқотлари сув ва экологик муаммолар муҳокамасини амалий йўлга қўйишни таъминлади. 3 йил муқаддам Туркменистонда 2009 йилдан буён биринчи марта Оролни кўтариш халқаро жамғармасининг саммити ўтказилди.

Ўтган йили мазкур мамлакатлар билан пандемия шароитида минтақавий алоқаларни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар давом эттирилди. Президентимизнинг минтақадаги тўрт давлат раҳбарлари билан яқин алоқалари асосида (телефон орқали 35 дан ортқ сўбат бўлиб ўтди) фуқароларнинг четдан уйларида қайтиб келишига қўмаклашиш, савдони транспорт билан қўллаб-қувватлаш, ўзаро инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва муносабатларнинг бошқа долзарб масалалари фаол ҳал қилинди.



Иккинчидан, минтақада савдо-иқтисодий алоқалар ва гуманитар алмашувни ривожлантиришга ўзаро қизиқишнинг ортиши. 2017-2019 йилларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми қарийб икки баравар ўсиб, 2,7 миллиарддан 5,2 миллиард долларга етди. Улар ўртасидаги савдо ҳажми эса 2019 йилда 7,1 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилдагига нисбатан 16,9 фоиз кўп бўлди.

Минтақага тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш 2017 йилдаги 26,83 миллиард доллардан 2019 йилда 36,14 миллиард долларга ўсди. Бунда ҳукуматлараро алоқаларни фаоллаштириш, хуудлар ва тадбиркорлар ўртасида бевосита ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришнинг аҳамияти юқори бўлди. Чегараларнинг очилиши ва транспорт алоқаларининг ривожланиши 2017-2019 йилларда минтақада, асосан, Марказий Осиё мамлакатлари

фуқароларининг ўзаро саёҳатлари ҳисобига кириш туризмнинг деярли 25 фоиз ўсишини таъминлади.

Учинчидан, минтақавий ривожланишнинг муҳим масалалари бўйича минтақа давлатлари манфаатларини мувофиқлаштириш ва халқаро майдонда умумий манфаатларни илгари суриш учун мавжуд объектив эҳтиёж. Президентимизнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳатлашув учрашувларини ўтказиш ташаббуси амалга оширилиши, шубҳасиз, стратегик аҳамият касб этди. Биринчи учрашув 2018 йил март ойда Қозоғистон пойтахти Нурсултон шаҳрида бўлиб ўтди. 2019 йил ноябрдаги иккинчи учрашув якунига кўра, Тошкентда биринчи марта давлатлар раҳбарларининг қўшма баёноти қабул қилиниб, минтақавий ўзаро ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари бўйича мувофиқлаштирилган қарарлар қайд этилди.

Учрашувда Марказий Осиё минтақасининг ажралмас қисми сифатида

қаралаётган Афғонистон бўйича умумий муносабат баён этилди. Давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари, уни минтақавий савдо-иқтисодий алоқалар ва тинчлик жараёнига қўмаклашиш учун мўлжалланган инфратузилма лойиҳаларига жалб этишни қўллаб-қувватлади.

Кўп жиҳатдан ҳамнафас давлатларнинг ўзаро дўстлик муносабатлари тобора ривожланиб бораётган 2018 йилнинг июнь ойда БМТ Бош Ассамблеяси "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш" номли резолюциясини қабул қилиши муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон раҳбари ташаббуси ҳамда минтақа давлатлари билан биргаликда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатда Марказий Осиёдаги асосий муаммолар бўйича умумий ёндашувлар белгиланди.

Бугунги кунда Марказий Осиё минтақасининг шаклланиб бораётган очик характерини "5 (МО мамлакатлари) +1" форматидagi Япония (2004 йилдан буён), Корея Республикаси (2007 й.), Европа Иттифоқи (2008 й.), АҚШ (2015 й.), Ҳиндистон (2019 й.), Россия ва Хитой (2020 й.) каби шериклар ўртасидаги коллектив ўзаро ҳамкорлик механизмларининг муваффақиятли ривожланиши ҳам тасдиқлайди.

2021 йилда минтақавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, пандемияни бартараф этиш бўйича бешта мамлакатнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлаш ҳамда давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида баён этилган халқаро ташаббусларини амалга ошириш ушбу давлатлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқади.

Хусусан, жорий йилда Тошкентда "Марказий ва Жанубий Осиё:

минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" халқаро конференцияси ўтказилиб, унда минтақавий, халқаро сиёсий ҳамда ишбилармон доираларнинг асосий эътибори минтақалараро ҳамкорлик салохиятига қаратилади. Марказий Осиё давлатларининг Жанубий Осиё бозорларига кириш имконини берувчи трансфонт темир йўли, электр узатиш линияларини қуриш бўйича ташаббусларини фаол амалга оширишга туртки беради. Шунингдек, 2021 йилда Хидада ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилиш режалаштирилган "Марказий Осиё дунё цивилизациялари чорраҳасида" халқаро конференцияси минтақанинг ҳаёт маданияти ва тараққиётига қўшган ҳиссасини муҳокама қилиш имконини беради. Марказий Осиё ва унга қўшни минтақаларнинг бепоеён кентлигидаги кўп асрлик қўшничилик ва халқларнинг фаол ўзаро алоқаларини яна бир қарра ёдга солиб, аввалги ўзаро боғлиқлиқни тиклаш истиқболлари, унинг бутун Осиё қитъаси интеграцияси ҳамда барқарор ривожланиши учун аҳамияти тўғрисидаги тушунчаларни мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, Мурожаатномада таъкидлаб ўтилган муҳим воқеа — 2020 йилда Тошкентда Марказий Осиё халқаро институтининг ташкил этилиши ўзбек томонининг асосий минтақавий жараёнларни амалий тадқиқотлар ва прогнозлаш асосида ўзаро ҳамжиҳатлиқни янада ривожлантиришга бўлган кучли сиёсий иродаси ифодасидир.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилларда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ривожланиб бораётган дўстлик, ҳамкорлик, минтақавий барқарорлиги ва узлуксиз ривожланишини қўллашга бўлган умумий манфаатдорлиқ уларнинг минтақалараро ва глобал ҳамкорликка самарали қўшилишини таъминлашга хизмат қилади.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

ФАРОВОНЛИГИМИЗ ЙЎЛИДА: ҲАММАСИ ҚУЛАЙ ВА ИСТИҚБОЛЛИ



Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Меҳнат ва
ижтимоий масалалар
қўмитаси раиси

Сўнгги йилларда қонун лойиҳалари, Президент фармон ва қарорлари ҳамда муҳим стратегик дастурлар лойиҳаси халқ муҳокамасига қўйилмоқда. Мазкур ҳужжатлар аҳоли томонидан билдирилган тақлифлар, фикр-мулоҳазалар асосида тақомиллаштирилиб, пишиқ-пухта ҳолатга келтириляпти.

Президентимиз фармони билан мана шундай ҳужжатлардан бири — 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлашга, мамлакатимизнинг тараққи этишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Давлат дастуридаги таълим соҳасига доир янгиликлар барчани бирдек хурсанд қилди. Унга кўра, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш, ижтимоий адолат

тамоийлини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар йилгит-қиз учун Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилади.

Ота-оналарни энг қийнаб келаётган муаммолардан яна бири — таълим кредити билан боғлиқ масала ҳам ижобий ҳал этилмоқда. Яъни олий таълим муассасасида икки ва ундан ортқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити бериш, ушбу кредитни талаба томонидан ўқиш даври тугагандан сўнг қайтариш амалиёти йўлга қўйилди. Шунингдек, олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони 25 фоизга ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун

2021 йил 1 июлдан бошлаб "ҳамширалик иши" билан мустақил шуғулланиш учун ўрта тиббиёт мутахассисларига ўзини ўзи банд қилиш асосида рухсат берилмоқда. Жорий йилда 24 та соғлиқни сақлаш объекти қурилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш амалиётини сертификат бериш тизимига ўтказиб, фуқароларга ўз танловига кўра, давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари сотиб олиш имконияти яратилмоқда.



давлат грантлари сони эса 2 бараварга оширилади. Хусусий олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти бериш тизими жорий этиладиган бўлди. Академик таътил олишни истаган талабалар ўз ихтиёрига кўра, академик таътил муддати таълимнинг сиртки ва масофавий шаклига ўтказилиб, уларга узлуксиз мустақил таълим олиш имконияти яратилди.

Айниқса, илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ваколатининг 2021 йил 1 сентябрдан мамлакатимиздаги нуфузли олий таълим муассасалари илмий кенгашларига босқичма-босқич ўтказилиши кўп сонли ёш олимлар, ўз устида тинмай ишлаб юрган тадқиқотчилар учун айни мудоаа бўлди.

Эндиликда ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ногиронлик муддатсиз даврга белгиланади. Бундай шахсларни овоза қилиб, қайта-қайта текширувларга юбориш амалиётига чек қўйилади.

Давлат дастурида кучли ижтимоий ҳимоянинг амалдаги исботини яна бир бор кўриш мумкин. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашига қўмаклашиш, оғир касалликка чалинган болаларни даволаш мақсадида Болаларни қўллаб-қув

ватлаш фонди ташкил этилади ва унга давлат бюджетидан 100 миллиард сўм ажратилади.

Давлат дастури билан яна бир муаммо ўз ечимини топти. Жорий йилда меҳрибонлик уйлариинг уй-жойга муҳтож 900 нафар чин етим битирувчиси уй-жой билан таъминланганидан бўлди.

Пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида 2021 йил 1 июндан бошлаб пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр — 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидеги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмайдиган ҳисобланади. Бу янгилик ҳам кўп сонли фуқароларнинг мазкур масаладаги мурожаатлари инобатга олинганини кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортқиқа тўловни ундириш бекор қилинмоқда. Ишловчи фуқароларга ишламайдиган турмуш ўртоклари келгусида пенсия таъминотига эга бўлиши учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилмоқда. Бу янгилик бола тарбияси билан ёки уй-рўзгор ишлари билан банд, ҳеч қаерда ишламайдиган хотин-қизлар қувончига сабаб бўлди, эндиликда улар ҳам пенсия ёшига етганида бошқалар қатори ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Янги тартибга кўра, пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади.

Яна бир янгилик, фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олгувчи шахслар томонидан ҳар опти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинди.

Муҳим янгиликлардан яна бири пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортқиқа тўлов суммасининг 2021 йил 1 февраль ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқариладиган бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат дастурида белгиланган ҳар бир вазифа аввало, халқимиз манфаатига, оилалар фаровонлигига ва жонахон Ўзбекистонимизнинг равнақиға хизмат қилади. Шундай экан, бу савобли ишда барчамиз бирдек фаол бўлишимиз даркор.

ҲУҚУҚ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Дилдора БОЗОРОВА,
Тошкент давлат юридик
университети профессори
вазифасини бажарувчи,
юридик фанлар номзоди

Президентимиз
Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти Бош
Ассамблеясининг
75-сессиясидаги нутқида
мамлакатимизда гендер
тенглик сиёсати устувор
масалага айланишини
ва хотин-қизларнинг
давлат бошқарувидаги
ўрни тобора кучайгани
ҳамда парламентда аёл
депутатлар сони икки
баробарга кўпайганини
қайд этиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда давлат бошқарувида аёллар улushi 26,6 фоизга етди ҳамда ўтган сайловда мамлакатимизда биринчи марта Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасида аёллар 32 фоиз, сенат ҳамда маҳаллий Кенгашларда 25 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда гендер сиёсатини амалга ошириш бўйича қатор ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ва "Хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилди.

Мазкур комиссиянинг 2020 йил 21 декабрь кунги йиғилишида гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини

ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида эришилган натижалар таҳлил қилинди. Жумладан, ўтган давр мобайнида ижтимоий ҳимояга муҳтож 950 нафар қиз олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинган, 166,3 минг нафар хотин-қиз доимий ишга жойлаштирилган. Шу билан бирга, ҳар бир хуудда "Аёллар тадбиркорлиги марказлари" ташкил этилиб, мақсадли жамғармалар ва тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилган, тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 224 мингдан ортқ хотин-қизга жами 6,9 триллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган, ишсиз хотин-қизлар билан манзилли ишлаш мақсадида "аёллар дафтар"ни юришти йўлга қўйилган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган мингдан ортқ хотин-қизнинг уй-жой шароитлари яхшилланган.

Давлат дастурида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, бу бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда, давлат хизмати, таълим, илм-фан ҳамда соғлиқни сақлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, таъзиқ ва зўравонлиқнинг олдини олишда, оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбиясида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш каби масалалар кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси бўйича гендер статистикасини юритилишини тақомиллаштириш ҳамда бу стратегияни 2021-2023 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ҳамда мақсадли кўрсаткичларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Юқорида қайд этилган ислохотлар ва Гендер тенгликка эришиш стратегияси бевосита юртимизда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида улар иштирокини келтириштириш, жинс бўйича бевосита ва бевосита камситишнинг бартараф этиш ҳамда олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ЯНГИ ИНСТИТУТНИНГ ИЛК ОДИМЛАРИ



Мамлакатимизда олий таълим муассасалари сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Илгари аксарият вилоят марказларида атиги битта олий таълим муассасаси фаолият кўрсатган бўлса, энди ҳудуднинг ҳатто олис туман ва шаҳарларида ҳам турли йўналишда бир нечта институт ва университет мутахассислар тайёрляпти. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг олис Денов туманида ҳам Тадбиркорлик ва педагогика институти фаолият кўрсатмоқда. 2020-2021 ўқув йилидан талабалар қабул қилган институт ректори, филология фанлари доктори Ғанишер РАХИМОВ билан суҳбатимиз навқирон илм даргоҳининг илк одимлари, унда амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.



— Институтда бугун нечта факультет бор ва уларда жами қанча талаба тахсил олмоқда. Ўқитган талабалар қайси мутахассисликлар эгаси бўлади?

— Айни пайтда учта — ижтимоий-иқтисодий, педагогика ва аниқ фанлар, тадбиркорлик ва бошқарув факультетлари мавжуд бўлиб, талабалар ўн саккизта таълим йўналиши бўйича тахсил олмоқда. Бу ёшлар келажакда педагог, иқтисодчи ҳамда тадбиркор бўлади. Институтимизда бугун 4 миндан ортиқ талаба таълим олмоқда.

— Олийгоҳда сиртки ва кечки бўлимлар ҳам очилганми?

— Кундузги бўлимда тахсил олаётганлардан ташқари 1700 нафар абитуриент сиртки (махсус сиртки) ва кечки бўлимларга қабул қилинган.

— Билишимизча, институт айни пайтда собиқ коллеж биносида фаолият кўрсатаяпти. Ўқув хоналари, талабалар ётоқхонаси ва бошқа шароитлар етарлими?

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Сурхондарёнинг шимолий тумани — Деновда ташкил қилинган институт жойлашган собиқ коллеж биносини қайта таъмирлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга бир неча ҳамкор ташкилотлар жалб этилган. 2021 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига асосан, 1200 ўринли ўқув биноси, 500 ўринли талабалар ётоқхонаси бунёд этилади. 2022 йилда эса худди шунча ўринли яна битта ётоқхона қурилиши режалаштирилган. Бундан ташқари,

мавжуд ўқув биноларини таъмирлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш чоралари кўриляпти.

— Институт базасида техникум ташкил қилиш ва коллежларни оталиққа олиш ҳам кўзланганми?

— Худудда таълим узлуксизлигига эришиш учун таълим кластерини ташкил этиш мақсадида 2021–2022 ўқув йилидан институт қошида алоҳида лицей ҳамда ахборот технологиялари ихтисослашган техникум ташкил этишни режалаштирганмиз. Лицейда Сароисиё, Денов, Узун, Олтинсой, Шўрчи, Бойсун туманларидаги мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари ўқитилади ва аъло баҳо-ларга тугатганлари институтимиз ёки бошқа олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда қабул қилинади. Бўлажак лицей учун собиқ Сароисиё агроасаноат коллежи биноси оператив бошқариш ҳуқуқи билан институт балансига ўтказилди. Шунингдек, институтимиз балансида турган собиқ Шўрчи қишлоқ ҳўжалиги коллежи базасида замонавий ахборот технологиялари техникуми очилади. Ҳозирда бу масалада қарор лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

— Институт янги ташкил этилди, талабаларга сабоқ берадиган устозлар, илмий даражали ўқитувчилар етарли, деб ҳисоблайсизми?

— Илм даргоҳимизга республиканинг турли олий таълим муассасаларида меҳнат қилиб турган ва амалий тажрибага эга бўлган 5 нафар фан доктори, 24 нафар фан номзоди ҳамда маҳоратли ўқитувчилар танлов асосида қабул қилинган ҳамда улар бугунги кунда талабаларга фидойилик билан илм бераяпти. Малакали профессор-ўқитувчилар, олимлар сафини кенгай-

Мамлакатимизнинг бошқа олий таълим муассасаларидан ишга тақлиф қилинган тажрибали устозларга қулай иш ва яшаш шароити яратил-га алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқ-да. Вилоят ҳокимининг амалий ёрда-ми билан Денов шаҳрида қурилган янги уйлاردан бири устозларимизга ажратилди.

Институтимизда республика миқё-сидаги “Тадбиркорлик ва педагогика” номли илмий-услубий журнал ташкил этдик. Илк сони чоп этилиб, иккинчи сон учун мақолалар йиғилляпти. Ушбу нашрда барча йўналишлар бўйича олимлар, илмий изланаётган докто-рант ҳамда мустақил изланувчилар, магистрант ва талабалар мақолалари чоп этилади, шунингдек, илмий янги-ликлар жамоатчилиikka етказилади.

— Келгуси режалар ва ниятлар ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз...

— Мамлакатимизда таълим ти-зимини ривожлантириш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки ривожланган давлатлар-нинг деярли барчаси ўзгаришлар-га мослаша оладиган ва рақобатга бардош берадиган етук мутахассис-ларни тайёрлаш таълим тизимига эга. Олийгоҳимизда ҳам замонавий билимларни чуқур эгаллаган кадр-лар тайёрлашга барча имконият са-фарбар этиляпти. 2-3-4-курс бака-лаврият йўналишларида 459 та ўқув фанининг электрон ўқув ресурслари Moodle платформасига жойлашти-рилган. 2020-2021 ўқув йилида дарс жараёنларини сифатли ташкил этиш мақсадида 234 та видеодарс, 655 та тақдимот, 35 678 та электрон ўқув адабиёти, 697 маъруза матни ва глос-сариёлар, оралик назорат саволлари, тест саволлари ҳисобига платформа тўлдириб боришмоқда.

2020-2021 ўқув йилида хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таъ-лим муассасалари ва халқаро таш-килотлар билан ҳамкорликда турфа лойиҳаларни амалга ошириш, таъ-лим жараёнини такомиллаштириш, сифатини яхшилаш борасида хори-жий мамлакатларнинг олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот мар-казлари, халқаро ташкилот ҳамда жамғармалар билан алоқани мустаҳ-камлаш ва илғор хорижий таълим тажрибаларини ўзимизда татбиқ этиш учун ҳамкорликни янада кучайтириш чораларини кўряпмиз. Жумладан, Россиядаги бир қатор олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари тайёрлаш, “қўшма дип-лом”, академик мобиллик ҳамда ёзги мактаблар бўйича интеграллашган инновацион таълим дастурларини йўлга қўйиш, Тожикистон техника университети, Тожикистон молия-иқ-тисодиёт университети, Тожикистон педагогика университети, Тожикистон миллий университети билан стажёр ўқитувчи, талаба алмашиш бўйича келишув олиб боришмоқда. Қисқаси, бу борада белгиланган режаларимиз жуда кўп.

Бугунги кунда олийгоҳ ва тажри-бали ўқитувчилар томонидан вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда Денов, Сароисиё, Узун, Шўрчи, Қумқўрғон туманларидаги умумтаълим мактабларининг хори-жий тиллар ва аниқ фанлар ўқитувчи-ларига илмий-услубий ёрдам кўрса-тиляпти. Таълим даргоҳимизда беш ташаббус лойиҳаси асосида “Беш ташаббус маркази” ташкил этилган. Айнқиса, китобхонликка алоҳида эъ-тибор берилляпти. Институт ахборот-ресурс маркази фондида 33 минг 788 та ўқув адабиёти, ўқув фанларига оид 6 минг 682 та дарслик, шунингдек, кўплаб қўлланма ва бадий адабиёт-лар мавжуд бўлиб, улар кенг билимга эга бўлган ҳамда мантиқий фикрлай оладиган ёшларни тарбиялашга хиз-мат қилляпти.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Усмонали НОРМАТОВ
суҳбатлашди.



Жараён



САЛОМАТЛИК

БИТИРУВЧИ ШИФОКОРЛАР бирламчи тиббиёт муассасаларига жалб этилади



Президентимиз Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга ошири-лаётган ислохотларни янги босқичга кў-тариш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мус-таҳкамлаш йили”, деб эълон қилиниши эса бу борадаги ишларга жорий йилда давлат даражасида эътибор қаратили-шини кўрсатиб турибди.

— Кейинги пайтда тиббиётимиз тизимида “Оилавий шифокор пункти”, “Тиббий харита”, “Оилавий поликлиника”, “Тиббиёт бригадалари” каби янги атама ва тушунчалар пайдо бўлди ҳамда амал қилмоқда...

— Фикрингизни тушундим. Мен ҳам суҳбатимиз аввалини шу тушунчалар билан боғлиқ жараёнлар, ўзгаришлар билан бошлаш ўринли, деб ўйлайман. Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати, самара-дорлиги ва оммавийлигини ошириш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, соғлиқ-ни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ўта му-ҳим вазифадир. Биз ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, вилоят аҳолисини фуқароларнинг саломатлик ва физио-логик ҳолатидан келиб чиқиб, тегшли гуруҳларга ажратиб олдик. Ушбу гуруҳ-ларга кирган фуқароларни белгиланган муддатларда тиббий кўриклардан ўткази-ш, уларнинг тиббий ҳолатини даврий кузатувга олиш чоралари белгиланди. Тиббиёт муассасасига кела олмайдиган-ларга эса индивидуал патронаж хизма-тини кўрсатиш белгиланди.

Маълумки, эндиликда аввалги уму-мий амалиёт шифокори оилавий шифо-кор мақомиди иш юритади. Шубҳасиз, бундай янгилик ёки ўзгаришдан кейин уларнинг ўз вазифасига бўлган масъу-лиятти ошади, шу билан бира, мавқеи ҳам мустаҳкамланади. Жумладан, эн-диликда юқори тизимдаги кўп тармоқли марказий поликлиникалар ёки шифо-хоналарга бериладиган бепул тиббий йўланмалар айнан оилавий шифокор томонидан берилади, бирламчи тиб-бий-санитария ёрдами муассасаларида дори воситалари ва тиббий буюмларга имтиёзли рецетплар ёзиб бериш ҳам улар зиммасига юкланади. Шунингдек, оилавий шифокорга терапия, педиат-рия, акушерлик, патронаж бўйича му-тахассис бўлган ўрта тиббий ходимла-ридан иборат “тиббиёт бригадалари” яқиндан ёрдам беради.

Бу билан мавжуд куч ва воситалар-ни жалб қилган ҳолда, энг аввало, бир-ламчи тиббий-санитария ёрдамини

ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тиббий профилактика ва патронажнинг мутла-қо янги тизимини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бу бо-радаги ишларни маҳаллалар ва аҳо-ли хонадонлари даражасига қамраб олиш имконияти яратилади.

Бугунгача вилоятимизда 701 та ана шундай “тиббиёт бригадалари” ташкил этилди. Улар зиммасига ўзларига би-риктирилган ҳудудларда оилалар ва фуқаролар кесимида “тиббий харита”ни шакллантириш вазифаси юкланди. Бу борадаги ишларни тажриба сифатида вилоят маркази Жиззах шаҳри ва Мир-зачўл туманида синовдан ўтказиб олдик. Энди эса тиббий хизмат кўрсатишни сод-далаштириш ва рақамлаштириш ҳамда ортиқча қўғозбозлиқни камайтириш мақ-садида барча “тиббиёт бригадалари”ни махсус компьютер-планшетлар, мобил тиббий-диагностика воситалари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

2021 йил 1 январдан бошлаб аввал-ги қишлоқ врачлик пунктлари оилавий шифокор пункти, қишлоқ ва шаҳар ои-лавий поликлиникалари эса оилавий поликлиника сифатида фаолият юрита

— Жойлардаги ўрта махсус ва тиббиёт билим юртлари талабаларининг оилавий шифокорлик пунктлари, поликлиникалар, тиббиёт бригадаларида малака ошириш, амалиёт ўташ жараёнларини ташкил этиш ҳам режалаштирилганми?

— Бугун вилоятимизнинг Жиззах, Дўстлик ва Зомин шаҳарларида Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат сало-матлиги техникумлари, Ғаллаорол ту-манида эса тиббиёт мактаби фаолият кўритмоқда. Албатта, ушбу билим масканлари, уларнинг раҳбарияти ва талабалари билан ҳамкорлик қи-лишдан манфаатдоримиз. Зеро, улар зиммамизга юкланган катта ҳажмда-ги ишларни амалга оширишимизда бизга беминнат кўмакчи бўлади. Ўз навбатида, бундай ҳамкорлик ёш ши-фокорларнинг вилоят тиббий муас-сасаларида касб ўрганиши, билим ва кўникмалари ошишига ҳам замин яратади.



бошлади. Шунингдек, оилавий шифокор ва бошқа тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини янги рейтинг асосида баҳолаб бориш йўлга қўйилмоқда. Ба-ҳолташ орқали юқори натижаларни қўлга киритганларни маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан ҳар чо-ракда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағ-батлантириш мазкур тизимнинг янада самарали бўлишини таъминлайди.

Шунингдек, эндиликда тиббиёт бир-лашмаси бошлиғи бир вақтнинг ўзида кўп тармоқли марказий поликлиника му-дир вазифасини ҳам бажаради. Унга заруриятга қараб, тор соҳа шифокор-лари штатларини мустақил белгилаш ваколати берилгани ҳам жойларда кўр-сатилаётган тиббий хизмат сифатининг ошиши, энг керак жойга малакали мута-хассисларни танлаб олиш, охир-оқибат, аҳоли саломатлигининг мустаҳкамла-нишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

— Вилоятда бугунги кунда фаолият юритаётган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар сони қанча, янгилари қандай тартибда ва муддатда ташкил этилади?

— Бугунги кунда вилоятимизда 54 та оилавий шифокор пункти, 32 та оила-вий поликлиника фаолият кўрсатиб ту-рибди. Яқин икки-уч йил ичида уларнинг сафига 25 та оилавий шифокор пункти ва 3 та қишлоқ оилавий поликлиникаси қўшилиди. Янги муассасалар, асосан, аҳоли зич жойлашган Зомин (6 та) ва Ғаллаорол (5та) туманларида қад рост-лайди. Бошқа туманларимизда ҳам 1-2 тадан янги, замонавий тиббий муасса-салар хизмат кўрсатишни бошлайди. Ана шундан кейин воҳа аҳлини тўлиқ малакали тиббий хизмат билан қамраб олиш имконияти яратилади, дейишимиз мумкин.

Яна бир гап: Президентимизнинг 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Жиз-зах давлат педагогика институти қоши-да тиббиёт факультетини ташкил этиш ташаббуси барчамизни қувонтирди. Бу янгилик воҳамизнинг малакали олий маълумотли шифокорларга бўлган эҳ-тиёжини қондиришга, тиббий хизмат си-фати ва савиясининг ошишига катта ҳис-са қўишии шубҳасиз. Қўшимча равишда яна бир фактни эсга олиб ўтаман: жорий йилда мамлакатимиз тиббиёт олийгоҳ-ларини тамомлаётган ёш мутахассис-ларнинг 127 нафарини вилоятимиздаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга жалб этишни кўзлаб турибмиз. Айни пайда уларни уй-жой би-лан таъминлаш, моддий рағбатлантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

— Вилоят марказидан олисда жойлашган тиббиёт муассасаларида алоқа хизматини яхшилаш, жумладан, уларни интернет тармоғига улаш қай аҳволда?

— Мақтанишга йўймангу, бу борадаги кўрсаткичларимиз чакки эмас. Аҳолини хатловдан ўтказиш тадбирлари янги за-монавий компьютер-планшетлари ёрда-мида, электрон ахборот тизими орқали амалга оширилгани ишимизнинг тезкор-лиги ва самарадорлигини таъминлади. Бугунги кунда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидagi тиббиёт муассасалари хизмат алоқа воситала-ри билан тўлиқ таъминланган. Уларни юқори тезликда ишловчи оптик толали интернет тармоғи билан қамраб олиш эса 90 фоизни ташкил қилмоқда. Жо-рий йил якунигача бу кўрсаткични 100 фоизга етказиш ниятимиз бор.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Худойберди КАРИМОВ
ёзиб олди.

21 ФЕВРАЛЬ — ХАЛҚАРО ОНА ТИЛИ КУНИ

МИЛЛИЙЛИК ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ



Саодат МУҲАМЕДОВА, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек тили кафедраси mudiri, филология фанлари доктори, профессор

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, кенг қўлланишини таъминлашда Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрь куни имзоланган “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони тарихий аҳамиятга эга бўлди. Фармондаги асосий йўналишларда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш борасида бир қанча устувор вазифаларнинг бажарилиши назарда тутилган.

иш юритувчи лавозимларда фаолият олиб бориб, таржимон бўлиб ишлаш лар мумкин. Бу йўналишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж динамикасини кузатадиган бўлсак, 2018 йилда фақатгина бизнинг университетда 60 та квота билан қабул бошланган бўлса, 2019 йилда квоталар сони 100 тага етди ва Нукус давлат педагогика инсти­тутида (50 та) ҳам бу таълим йў­налиши очилди. 2020 йилда эса бу кўрсаткич янада ўсиб, “Ўзга тилли гу­руҳларда ўзбек тили” йўналиши учун Тошкент давлат педагогика универ­ситетининг Шаҳрисабз филиалига ҳам 50 та ўрин берилди. Бу эса та­шаббусимиз республика бўйлаб кенг

си профессор-ўқитувчилари томони­дан таълим йўналиши учун янги авлод ўқув адабиётларини яратиш устида изланишлар олиб борилмоқда.

Фаолиятнинг иккинчи қирраси хориж­ликларга ўзбек тилини ўқитиш ва ўр­гатиш ишларидир. Зеро, Ўзбекистоннинг жажон ҳамжамияти билан иқтисодий ва сиёсий алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Минг йиллик тарихимиз, буюк аждодларимиз мероси, юртимиздаги фаровон, осойишта ҳаёт, инвестициялар учун яратилган қўлай шароитлар сабаб­ли Ватанимиз олимлар, тадқиқотчилар, тадбиркорлар, банкирлар, сайёҳлар учун энг қизиқarli мамлакатлардан бири хи­собланади. Яқинда интернетда нуфузли социологик тадқиқот марказларининг ху­лосалари асосида дунёнинг бориб қуриш зарур бўлган энг жозибали 50 та шаҳри эълон қилинди. Бу рўйхатда Самарқанд шаҳри энг олдинги ўринларда турибди. Яъни халқро туризм ҳам ўзбек тилини ўрганишга туртки бўлмоқда.

Шунга кўра, университетда, авва­ло, дунё миқёсида ўзбек тилининг ўқитилиши ва ўрганилишига доир маъмулотлар базаси шакллантирил­ди. Таҳлил натижалари шуни кўрсат­дики, дунё халқлари орасида ўзбек тилини ўрганишга, уни илмий тадқиқ қилишга эҳтиёж ва эътибор катта. Дунё миқёсида ўзбек тилига бўлган эътиборни қуйидаги гуруҳларга аж­ратиш мумкин.

1. Ўзбек тили фан сифатида муайян кафедралардаги фанлар сирасида ўқитилади:

Москва давлат университетининг Осиё ва Африка мамлакатлари инсти­тут (Россия), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Москва давлат лингвистика университети (Россия), Қозон давлат университети (Россия), Цукуба университети (Япония), Токио университети (Япония), Жамия миллия исломия университети (Хиндистон), Пекин марказий миллий университети (Хитой), Шанхай чет тиллар универ­ситети (Хитой), Ланжоу университети

(Хитой), Шинжонъ таълим институти (Хитой), Пекин чет тиллар институти (Хитой), Чет тиллар институти (Жану­бий Корея), Балх университети (Афго­нистон) ва бошқалар.

2. Университетлар хузуридаги Тил ўргатиш марказларида ўргатилади:

Бонн университети (Германия), Гумбольдт (Германия), Фрайе уни­верситет (Германия), Измир универ­ситети (Туркия), Анкара университе­тети (Туркия), Кембриж университети



(Буюк Британия), АҚШнинг Вашингтон, Гарвард, Висконсен, Мичиган, Техас, Калифорния, Аризона критик тиллар университети.

3. Ўзбек тили бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда:

Марказий Осиёни ўрганиш тадқи­қотлари маркази (Франция), Санкт-Пе­тербург давлат университети (Россия), Москва давлат лингвистика универси­тети (Россия), Қозон давлат универ­



ситети (Россия), Цукуба университети (Япония), Токио университети (Япо­ния), Жамия миллия исломия универ­ситети (Хиндистон), Пекин марказий миллий университети (Хитой), Шанхай чет тиллар университети (Хитой), Лан­жоу университети (Хитой) ва бошқалар. Айрим давлатлар университетла­ри хузурида ташкил этилган марказ­ларда ҳам ўзбек тили ўргатилмоқда. Масалан, Индиана университети ху­зурида 7 та ана шундай марказда ўз­бек тили ўргатилади. Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети шулардан 20га яқин хорижий уни­вер­ситетлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган ва шартномалар имзолаган.



Шуниси қувонарлики, “Ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили” таълим йў­налишида ўқиётган 4 нафар талаба 2020 йил 25 февраль – 1 март кунла­ри Москва давлат университетининг Осиё ва Африка мамлакатлари инсти­тути ва Москва давлат лингвистика университетида ўзбек тили дарслари­ни ўтиш жараёнини кузатиб, ўз мала­касини ошириб қайтди.

Университет доценти М.Раҳматов 2018 йилдан бошлаб Шанхай чет тил­лар университетининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти­да ўзбек тилидан дарс бермоқда.

Ўзбек тилини ўқитишнинг даража­вий электрон дарсликлари, видеокур­слари ҳамда ўзбек тилини ўқитишни бутун дунёга тарғиб этиш учун унинг MOOC (massive open online course) тизимини яратиш долзарб масала­ди. Шунга кўра, ўзбек тилини билиш даражасини текширувчи махсус дас­турлар, ўзбек тилини ўргатиш бўйича масофавий таълимни йўлга қўйиш мақсад қилинган. Бу борада биринчи қадам сифатида Тошкент давлат ўз­бек тили ва адабиёти университетида **хорижий университетлардаги ўзбек тили марказларида фойдаланиш учун “Ўзбекона” дарслиги яратил­ди.** Ушбу дарсликни яратишда универ­ситет докторанти Гулрухсор Эргашева ҳамда ўзбек тили факультети талаба­лари жамоаси жонбозлик кўрсатди. “Ўзбекона” дарслиги хорижий тилни эгаллашнинг умумевропа компетен­циялари тизимига асосан А1 даража­ни эгаллаш имконини берувчи дарслик бўлиб, 9 та бўлим, 3 та назорат бло­ки, аудиолар ва қўшимча материал­лар каби қисмлардан иборат. Китобда мавжуд қўлланма ва электрон ресур­слардан фарқли ўлароқ, мавзулар ти­зимли ҳамда изчил ёритилган, интег­ратив ҳамда коммуникатив методлар уйғунлаштирилган, воситачи тилдан фойдаланилмаган. Буларнинг барча­си ўрганувчининг тил муҳитига тезроқ кириб боришини таъминлайди. Шу би­лан бирга, машқларнинг вариативлиги таъминланган, “оддийдан мураккаб­га” методик тамойилига амал қилин­ган. Ҳар бир саҳифа, ҳар бир машқда миллийлиқни акс эттиришга ҳаракат қилинган ва умуминсоний қадриятлар сингдрилган.

Дарсликда таклиф этилаётган аудио­материаллар соф аутентик эмас, балки ўқув-аутентик материал ҳисобланади.

Зеро, А1 даража учун айнан шу турда­ги аутентик материалдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу дарсликда тилни ўқитувчи билан ҳам, мустақил ўрганиш учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Ма­салан, ҳар бир бўлим манتيқий кетма­кетликда берилган 5 қисмдан иборат. Ўрганувчи расмлар орқали ҳам янги мавзунини, машқ-топшириқни бажариш йўлини тушуна олади. Дарсликнинг охириги саҳифаларида синов мате­риаллари, аудиолар, сўзлашиш учун ҳар бир мавзуга тегишли саволлар ҳамда лугатнинг мавжудлиги тил ўрга­нувчига кўплаб қўлайликлар яратади.

Қўлланманинг дизайни ҳам алоҳи­да аҳамиятга эга — ҳар бир саҳифа тил ўрганувчидида ўзбек тили ва мада­нияти ҳақида муайян таассурот қолди­ради. Китоб хорижий тил ўқитишнинг ўқиб тушуниш, тинглаб тушуниш, гапи­риш, ёзиш қўникмаларини тўлақонли қамраб олган.

Шунингдек, бугунги кунда ушбу дарс­ликка илова тарзида <http://uzmotul.com> сайти ва “O‘zbekona (MOTUL)” телег­рам канали ҳам фаолият кўрсатишни бошлаган бўлиб, улар янги материал­лар билан бойитилмоқда. Бу билан ўзбек тилини ўрганишни истаган хо­рижликларни масофадан туриб ўқитиш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Давлат тилида иш юритиш асослари­ни ўқитиш ва малака ошириш маркази билан ҳамкорликда “Қизикарли ўзбек тили курси” ҳам ташкил этилган. Унинг доирасида Ўзбекистон худудидаги ва­тандошлар ва хорижий ўзбек тилини ўрганувчиларга мўлжалланган курс­лар тайёрланган. Курсга қуйидаги йў­налма орқали ўтиш мумкин: <https://docs.google.com/forms>.

Университет жамоаси олдидаги яна бир катта вазифа — дунё стан­дартлари асосида хорижликларга ўз­бек тилини интенсив ўргатувчи онлайн платформани яратиш.

Хуллас, университетда ўзбек тилини давлат тили ва хорижий тил сифатида ўқитиш ва ўргатиш ишлари борасида Президентимиз нутқи ва фармониди белгилба берилган вазифаларнинг ижро қилиниши ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ҳамда халқро мақомини оширишга самарали хизмат қилишига ишонамиз.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ

УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШ — ПИРОВАРД МАҚСАД

Тўлқин САЙДАЛИЕВ, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти доценти, истеъфодаги подполковник

Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий тарбияси давлатнинг алоҳида назоратида бўлади. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам бу масалага жиддий эътибор берилади. Бирок бу борадаги тадбирларни ўтказиш кутилгандек амалга ошмас экан...

Ёдимда, 2012 йилнинг май ойи­да ўзим хизмат қилаётган нуфузли ҳарбий олий таълим муассасасида бир тадбир ўтказмоқчи бўлиб, қат­тиқ қаршиликка учраганимиз. Ушанда Ўзбекистон Қаҳрамони, ўзбек ада­биётшунослиги ва танқидшуносли­гида чуқур из қолдирган олим Озод Шарафиддиновга бағишланган “Маъ­навий жасорат тимсоли” мавзусида хотира кечаси режалаштирган эдик. Ёлиб-югуриб, меҳмонларни таклиф қилдик, барча ташкилий ишларни битирдик. Кейин раҳбарият тўсатдан рад жавобини берди. Ташриф буюр­ган меҳмонлар олдида қандай мула­зам бўлганимни бир тасаввур қил­сангиз эди... Тадбирга жалб қилинган меҳмонлар — Ўзбекистон Қаҳрамон­лари, халқ шоирлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, халқ ёзувчилари Худойберди Тўхтабоев ва Ўткир Ҳо­шимов, олимнинг яқинлари, бошқа таниқли арбоблар эди.

Мана шундай тўқинликлар ҳар қан­дай одамни руҳан чўктиради. Ваҳолан­ки, маънавий-маърифий тадбирлар инсон онгу шуурини кескин даражада ижобий томонга ўзгарирадиган омил­дир. Шу маънода, улар жуда ҳам зарур, айниқса, ҳозирги ахборот алмишинуви кескин ривожланган пайтда онг учун ку­раш жадал суръатлар билан олиб бо­рилмақда. Чунончи, айтқини адабиёт Абдулла Қаҳҳор атоқидек, адабиёт атомдан кучли. Жамиятда маънавий бўшлиқ пайдо бўлса, дарҳол бузғунчи, ёт ғоялар бўшлиқни тўлдирди. Бугун маънавий-маърифий тадбирларни бе­малол, бетўқис ўтказиш мумкин.

Президентимиз таъкидлаганидек, маънавий-маърифий ишлар шунчали эмас, балки тизимли, изчил ва илмий асосда олиб борилиши керак. Бунинг учун эса пухта ўйланган “Йул хари­та­си”ни тузиш, лозим бўлса, бир қўллан­ма ҳам яратиш зарур. Чунки ҳар қандай маънавий ва маърифий тадбирлар

курсантларни зғзулик, одабийлик ва гу­манизм ғояларига содиқ қилиб тарбия­лашга хизмат қилади.

1992 йилдан буён ҳарбий таълим­да, яъни аввал ИИВ Академиясида, сўнгра Миллий гвардия ХТИда фао­лият юритиб келар эканман, бу соҳа­да озми-кўпми, ўзига яраша таъриба орттирдим. Шундан келиб чиқиб ай­тишим мумкинки, ҳарбий таълимда ҳар қандай тадбир, аввало, қатъий кун тартиби доирасида бўлиши шарт. Лекин ҳаётий таъриба ҳамма вақт ҳам бунинг уддасидан чиқиб бўлавермас­лигини кўрсатмоқда. Демак, озгина қондалардан чекинишга тўғри келади. Чунки қатъий кун тартиби тадбир таш­килотчиларининг оёқ-қўлини боғлаб қўяди. Командирлардан ҳар бир кур­сант учун жавоб сўраб олиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Асосий иш курсантни тадбирга жалб қилиш муаммосига тақалиб қолади. Қўзланаётган ишлар ва мақсадлар

